

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСИ ВА МАШГУЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

*Бердимуратова Алтынай Конысбай кизи*

*Ажиниез номидаги НДПИ Жисмоний маданият факультети*

*хотин-кизлар спорти йоналиши 2-курс талабаси*

**Аннотация:** Мазкур маколада Жисмоний машкларнинг классификацияси, жисмоний тарбия воситалари, жисмоний тарбияга доир амалий ишлар, харакат микдорлари, жисмоний машклар, тасир этувчи кучларга карши тасирни ташкил этиш хакида тахлил килинган.

**Калит сұзлар:** жисмоний машкларни классификациялаш, жисмоний тарбия системаси, восита ва методлар системаси, гимнастика ва спорт турлари, харакат микдорини бир звенодан бошка звенога куцириш, жисмоний машкларнинг техник жихати.

Жисмоний машқларни классификациялаш – уларни бир-бирига бөғлиқ бўлган гурухларига бўлиш демакдир. Бу гурухлардаги машқларнинг бази хусусиятлари умумий бўлиши лозим. Жисмоний машқларни классификациялашнинг амалий қиймати бу машқнинг қайси хусусияти умумий хусусият сифатида қабул қилишни ҳамда мазкур хусусият учун қандай муҳим белгилар классификациялашнинг асоси қилиб олиниши билан белгиланади.

Жисмоний машқларнинг етарлича илмий равишда асосланган классификацияси ҳозирча йўқ. Ҳозирги жисмоний тарбия системасида жисмоний машқларни классификациялашнинг вазифаси жисмоний машқларни қўллашдан кутилган тарбиявий натижаларни олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган белгиларга қараб гурухлашдан иборатдир. Ҳозирги босқичда жисмоний тарбия воситаларининг тарихан таркиб топган системалари ва уларни қўлланиш методлари асос қилиб олинган классификация амалий жихатдан ўзини оқлаган классификациядан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бундай восита ва методлар системасига гимнастика, спорт, ўйинлар ва туризм киради. Бу гурухларнинг ҳар бири ўзига хос белгиларига кўра тобе гурухларга бўлинади.

Гимнастика ва спорт тўрларининг ҳар бири машқ материалларининг кўплиги ҳамда хилма-хиллигига кўра, ўз навбатида яна ҳам майда классификацион бирликларга бўлинади.

Жисмоний тарбияга доир амалий ишларда кўпинча машқларни уларнинг жисмоний сифатларини ўстириш учун қанчалик аҳамиятлилигига қараб классификация қилинади.

Айрим фанлардан умумий классификациялаш билан бирга, жисмоний машқларнинг маҳсус классификациялари яратилди ва ишлаб чиқилмоқда. Масалан, биомеханикада машқларни сиклик ва носиклик, илгарилаб бориладиган, айланма ҳамда мураккаб – фазовий машқларга, физиологияда турли куч билан бажариладиган машқларга бўлиш қабул қилинган.

Турли белгиларга қараб тузилган классификациялашнинг кўп турлари уларнинг амалий аҳамиятини инкор етмайди. Улар мавжуд жуда кўп машқларни билиб олишга, материални белгиланган мақсадга мувофиқ равишда ажратиб олиш ва системалаштиришга ёрдам беради.

Бэзи бир машқларни асосан гимнастика машқларини бажаришда гавда бирор қисмининг ёки бутун гавданинг олдинги ҳаракати тўхтаётган пайтда навбатдаги ҳаракат бошланади. Масалан, ҳакларда тебранишда бажариладиган ҳамма машқлар тебранишнинг охирги нуқталарида бажарилади. Бу вақтда гимнаст гавда оғирлигини умумий марказига тәсир етадиган барча кучлар мувозанатлашади ва гимнаст ҳавода муаллак қолгандек бўлади. Асосий ҳаракатни тебраниш вақтида бажаришга уриниб кўриш еса марказга интилувчи куч ва оғирлик кучи тәсиррида муваффақият қозонмаслик мумкин.

Ҳаракат миқдорини бир звенодан бошқа звенога кўчириш. Жисмоний машқларнинг техника жиҳатидан жуда тўғри бажарилишини қузатишда гавданинг айрим звенолари ҳаракатга бир вақт емас, балки мәлум бир кетмакетликда тортилишини пайқаш мумкин. Айрим ҳолларда гавданинг катта массали қисмидаги ҳаракат миқдорининг кичик массали қисми ҳаракатидан илгари ўтиб кетади, бэзи ҳолларда еса аксинча бўлади.

Келтирилган мисолларда ҳар бир кейинги звено ҳаракати ва фақат тегишли мускулларнинг актив қисқарилиши билан емас, балки олдинги звенодаги ҳаракат миқдорини кейинги звенога ўтказиш билан ҳосил қилинади.

Таъсир этувчи кучларга қарши таъсирни ташкил этиш. Ньютоннинг учунчи қонунига биноан, икки жисмнинг бир-бирига таъсир миқдори жиҳатидан тенг бўлиб, йўналишга кўра қарама-қаршидир. “Таъсир ва қарши таъсир” қонунини билиш жисмоний машқлар техникасининг кўпгина хусусиятларини тушуниш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имконини беради.

Қарши принципнинг номоён бўлишини илгарилаб борадиган, айланма ва комплексаторлик ҳаракатларида кўзатиш мумкин.

Спортчи қумдан юрганида қаттиқ йўлдан тезроқ югуради. Ядро ирғитувчи охирги зўр бериш вақтида бир ёки иккиласма оёғи билан таяниб турсагина тезликни керакли йўналишда максимал даражада ошириши мумкин. Зарб ҳаракатларида гавданинг зарб бераётган қисми зарба бериш моментида мустаҳкамланган бўлиши керак. Теннисчи ракетани қўлида маҳкам тутиб қолиши керак. Агар машқ бажарувчининг гавдасини айлантириш учун ўз

кучидан фойдаланаар екан, улардан иккинчисини биринчисига нисбатан етарлича каршилик кўрсатиши лозим. Масалан, агар орқага- олдинга тўнтарилиб сальто қилиш вақтидаги депсиниш моментида мускулларнинг зўр бериши билан таянч оёқнинг буғинлари мустаҳкамланмаса, айланма ҳаракат ҳосил бўлмайди.

Бази жисмоний машқларни бажариш вақтида қарши таъсир яратиш керак емас, балки аксинча туртки ёки зарб кучининг тэсирини камайтириш учун уни камайтириш зарурати пайдо бўлади. Бунинг учун ё ароматизация йўли узайтирилади ёки куч тэсири етадиган майдон язага кенгайтирилади. Масалан, тўпни илиб олишда қўлларни тўпга қарши узатилади, йиқилишда еса фақат қўлларга таяниб қолмай, балки думбалоқ ошилади ва ҳоказо.

Жисмоний тарбия тизимларининг тарихий тахлили шуни корсатадики жамиятнинг ривожланишиш боскичларида жисмоний машкларни танлаш ва туркумлашда оша жамият учун прогрессив ва тарбия вазифасини бажаришга мос келадиганларигагина тогри келади. Тарихий ривожланишнинг турли боскичларида тарбиянинг максад ва вазифалари озгариб келган. Демак жисмоний тарбия хам узгарган.

Шведларни педагогик гимнастикасида жисмоний машклар анатомик хусусиятга караб классификация килинди. Чунки улар тизимни асосий максади тана тузилишининг коринишини яхшилаш эди. Бу эса жисмоний тарбия тизимининг йоналишини торрок килиб корсатади. Чехларнинг “сокол гимнастикаси” жисмоний машкларнинг ташки формасига караб спорт жихозларида бажариладиган ва спорт жихозларисиз бажариладиган машклар гурухлари деб туркумланади. Бунинг ижобий томони шундаки пайдо болган янги жисмоний машклар бу туркумларнинг бирида оз орнини топар эди. Французларнинг Эбер системаси жисмоний машклар киска утилар, мазмунига караб: юриш, югуриш, сакраш, тирмасиб чикиш, оғирлик котариш машклари, улоктириш, сузиш, химоя ва хужум килиш машклари деб юритилади.

Жисмоний машкларнинг оригинал классификациясини рус анатоми врачи педагоги П.Ф.Лесгафт ишлаб чиқди ва тарбияни амалга ошириш учун мулжаллаб уни 4 га болди: 1. Содда машклар. 2. Мураккаб машклар йоки юкламанинг ортиши билан бажариладиган машклар. 3. Фазодаги холатига йоки мускул ишининг бажарилиш вактига кора бажариладиган машклар. 4. Техник жихатдан кейин тизимли равишда бажариладиган машклар.

Машкларнинг туркумланиши корсатиб турибдики П.Ф.Лесгафт классификацияси дидактик принципларга йоналтирилган. Лекин бу хам жисмоний тарбиянинг тарихий омилларини толаконли оз таркибиға сигдира олмаган.

**Фойдаланилган адабиетлар:**

1. <https://arxiv.uz>
2. Умумий орта талимнинг Давлат талим стандарти ва окув дастури
3. <http://www.hozir.org>